O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА ГОРОДА ТАШКЕНТА

№ 93 20 20 yil « 29 » январь

Тошкент шаҳри қабристонларида гўр қазиш ва маросим хизматлари учун пуллик хизматлар кўрсатиш тарифларини белгилаш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда), "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2010 йил, 52-сон, 508-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелидаги 101-сон қарори билан тасдиқланган "Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 8-банди ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 14-сон, 138-модда), Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ҳузуридаги Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасининг 2019 йил 19 декабрдаги 425/01-сонли мурожаатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳри қабристонларида гўр қазиш ва маросим хизматлари учун пулли хизмат кўрсатиш тарифлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Ризашов), Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси (С.Ибрагимов):

мазкур қарор билан белгиланган Тошкент шаҳри қабристонларида гўр қазиш ва маросим хизматлари учун пулли хизмат кўрсатиш тарифлари Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳрига тегишли қабристонларда бир хилда қўлланиши ҳамда кўринарли жойларига ўрнатилиши таъминлансин.

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

3. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 03 майдаги “Тошкент шаҳри қабристонларида гўр қазиш ва маросим хизматлари учун пуллик хизмат кўрсатиш тарифларини белгилаш тўғрисида”ги 708-сонли қарори ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталари таҳририяти (А.Акромов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (П.Халиулин):

мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Хидоятов зиммасига юклатилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMI MAHKAMASI
QAROR VA FARMOYISHLAR UCHUN

Тошкент шаҳар ҳокими **Ж.Артикходжаев**

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

2

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2020 йил "29" январ даги
"93" сонли қарорига
Илова

Тошкент шаҳрига тегишли қабристонларда гўр қазиш ва маросим хизматлари учун пулли хизматлар
ТАРИФЛАРИ

Т/р	Хизмат турлари	Ўлчов бирлиги	Нархи (сўм)
1.	Тегишли диний конфессия қабристонларида фуқароларга (ташкилотларга) дафн учун участкалар бериш	м²	бепул
2.	**Анъанавий мусулмонча гўр қазиш:**		
	катта (1 х 1 метр чуқурлиги 1,5 метрлик* айвон, қибла томон чап бурчагидаги 0,5 х 0,6 метрлик туйнук, туйнук орқали узунлиги 2 метр, эни 1 метр ва баландлиги 1,1 метрлик лахат)	1 гўр	115000
	кичик (0,6 х 0,8 метр чуқурлиги 0,7 - 0,8 метрлик* айвон, қибла томон чап бурчагидаги 0,3 х 0,4 метрлик туйнук, туйнук орқали узунлиги 1 - 1,4 метр, эни 0,4 - 0,5 ва баландлиги 0,4 метрлик лахат)	1 гўр	45000
3.	**Қабристонларда бошқа динга мансублар учун гўр қазиш:**		
	катта (узунлиги 2 метр, эни 1 метр, чуқурлиги 1,5 метр* тобут (гроб) қопқоғигача)	1 гўр	90000
	кичик (узунлиги 1 - 1,3 метр, эни 0,5 - 0,6 метр, чуқурлиги 1 - 1,5 метр* тобут (гроб) қопқоғигача)	1 гўр	45000
4.	**Рақамли устунча**	дона	30000
5.	**Мусулмон динига мансублар учун тобутлар тайёрлаш **:**		
	1,9 метр	дона	1200000
6.	**Сартахта**	дона	950000
7.	**Тахталик транспорт қутиси тайёрлаш**:**		
	1,9 - 2,2 метр	дона	700000
8.	**Зичланган тола қоғозлик тобут (гроб) тайёрлаш**:**		
	1,7 - 1,75 метр	дона	170000
	1,8 - 1,85 метр	дона	200000
	1,9 - 2,2 метр	дона	220000
9.	**Зичланган толали қоғоздан тайёрланган тобутни (гроб) рухланган тунука билан қоплаш:**		
	1,9 - 2,2 метр	дона	350000

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI

10.	**Рухланган тобутлар (гроб) учун тахта синчли зичланган толали қоғоздан транспорт қутиси тайёрлаш**:**		
	1,9 - 2,2 метр	дона	500000
11	**Махсус транспортдан фойдаланиш:**		
	ПАЗ – 672, "OTAYOL" M – 24,"FOTON"	1 соат	60000
12.	Ёдгорликни қабр устидан бузиб олиш	тўплам	250000
13.	**Гулчамбарлар тайёрлаш:**		
	думалоқ (1,6 х 1,2 мерт)	дона	230000
	кичик ромб (1,25 х 0,75 метр)	дона	100000
14.	**Эксгумация ишларини амалга ошириш:**		
	Фуқаролар аризасига асосан ва тегишли мутасадди ташкилотларнинг рухсати билан	1 қабр	100000

***Изох:** Қабрнинг чуқурлигини белгилашда дафн этиш усули, диний хусусиятлар ва маҳаллий тупрок-иқлим шароитлари ҳисобга олинади.

****Изох:** Ёғоч ҳом-ашёларидан тайёрланадиган маҳсулот турлари қарағай ва терак дарахтидан, мармар ҳом-ашёларидан тайёрланадиган маҳсулот турлари "Маҳаллий оқиш мармар" турларидан фойдаланилади.

ASLIGA TO'G'RI
TOSHKENT SHAHAR
HOKIMI MAHKAMASI